Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2004 YIL 22 IYUN, SESHANBA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 80 (6.761). Sotuvda erkin narxda

БУГУНГИ СОНДА:

СОЛИЕВНИНГ ҲАСРАТЛАРИ (1-2-саҳифаларда)



ЖОНДАН ЖОН БУНЁД ЭТГАН АЁЛ (1-4-саҳифаларда)

МАРҒИЛОНЛИК ОТАХОН САХОВАТИ (3-саҳифада)

КУНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» марказида мактаблар учун маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган мебел, лаборатория жиҳозлари ва бошқа ўқув қуроллари кўргазма-танлови очилди.

● Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ёш офицерларнинг навбатдаги битирувига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

● Андижондаги болалар боғида «Мафтункор ранглар олами» номли расмлар танлови бўлиб ўтди. Танлов Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманидаги «Меҳржон» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Агроистеъдод» мактаби очилди.

● Бухоро вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи кредит уюшмалари сони яна биттага кўпайди - «Ибн Сино» кредит уюшмаси иш бошлади.

● «Ўзстандарт» агентлигининг Штрихли кодлаш маркази томонидан тезкорликни таъминлаш, сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида агентликнинг ҳудудий сертификациялаш марказлари ҳузурида маслаҳат пунктлари ташкил этилди.

● Ўзбекистон халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси Фарғона, Наманган ва Термиз шаҳарларида ўз ваколатхоналарини очди.

● «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси вакиллари шу йил 4-17 июн кунлари Грециянинг Пирея шаҳрида ўтган Жаҳон халқлари фестивалида муваффақиятли иштирок этди.

● Пешку тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги эски клуб биноси таъмирланиб, спорт мактабига қарашли бадиий гимнастика маркази ташкил қилинди.

● «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида YAM 100S моделидаги «YAMAHA» мотоциклларини тақдимоти бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилоят ҳокимлигида «Универсиада-2004» спорт мусобақаларининг якуний босқичига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

21 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу Фармон хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни бажаришдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни бутунлай янги босқичга - юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар талаби даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этиш мақсадида қабул қилинганини қайд этди.

Йиғилишда Фармонни бажаришда қандай мақсадлар илгари сурилаётгани, нималарга эътибор бериш зарурлиги, бу борадаги ўзгаришларни ,татбиқ этишга ҳалал берадиган, эски тузумдан мерос иллатлардан халос бўлиш йўллари хусусида сўз борди.

Ислом Каримов Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ишини танқидий таҳлил этиб, ушбу тузилма фаолиятининг энг муҳим вазифа ва йўналишлари хусусида атрофлича тўхталди.

- Хотин-қизлар қўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган, биз қураётган фуқаролик жамиятининг муҳим институти, узвий бўғини ҳисобланадиган тузилмадир, - деди Юртбошимиз. - Давлат ушбу жамоатчилик ташкилотини моддий қўллаб-қувватлашга, кўмаклашишга тайёр. Лекин ташаббус, фаолият, замон талаблари даражасида ишчанлик қуйидан - шу ташкилот фаолларидан чиқиши керак.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова, ички ишлар вазири З.Алматов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадойбоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқди.

(ЎзА)



Қува туманидаги Раҳматов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси Абдураҳим Абдуллаев бу йил 35 гектар ерда ғўза парвариш қилаётир. Агротехник тадбирлар оби-тобида ўтказилгани боис ғўза барвақт гуллади. 35 гектардаги ғалласига эса ўроқ тушди.

СУРАТДА: Абдураҳим Абдуллаев.

Х.АРАББОЕВ олган сурат.

КЎНГИЛГА САЙР

Навоийни ўқисинлар, Навоийни...

Кимни сароб қутқулари енгар бўлса,
Навоийни ўқисинлар, Навоийни...
Юрагида қайғу, алам, ғусса тўлса,
Навоийни ўқисинлар, Навоийни...

Қарилар бор, қаригану қуюлмаган,
Нопокликдан фариштадай тийилмаган,
Суюқ тили соч-соқолдай қийилмаган,
Навоийни ўқисинлар, Навоийни...

Симобдай жон – омонатдан кўрқмаганлар,
Элга, ишққа хиёнатдан кўрқмаганлар,
Майиб-мажруҳ диёнатдан кўрқмаганлар,
Навоийни ўқисинлар, Навоийни...

Порахўр бор – ололмаса ухлаёлмас,
Мансабфуруш томоғини қитиқлар нафс,
Ўйлаганлар ўйлагани, беҳуда бас,
Навоийни ўқисинлар, Навоийни...

От минган сўнг отасини танимаслар,
Нега оға-инилар бир тан эмаслар,
Раво кўрмай ширин сўзин жон демаслар
Навоийни ўқисинлар, Навоийни...

Одамларки, етим ҳақин қилар туя
Жонин олар жоним дебон суя-суя,
Ҳасадгўйлар иғвосидан куя-куя,
Навоийни ўқисинлар, Навоийни...

Қараб турсанг иғвогарни қасди баланд,
Яхши ҳамки, замонамни дасти баланд,
Мозийлардан нидо келар пасти-баланд,
Навоийни ўқисинлар, Навоийни...

Одил ҲОТАМОВ

Избосканликлар водийда биринчи

Ўтган йил кузида 5960 гектар майдонга бошоқли экинлар уруғини сепган избосканлик ғаллакорлар водийда биринчи бўлиб дон тайёрлаш бўйича жорий йил шартнома режасини бажардилар.

Давлат қабул пунктларига 18689 тонна дон топширилди. Тайёрланган ана шу доннинг 10722 тоннаси уруғликдир. Шунингдек, 1700 тонна буғдой ун ва ун маҳсулотларига алмаштириш учун шартнома асосида тайёрлов корхоналарига жўнатилган.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Турсунбой Ҳожиакбаровнинг таъкидлашича, ҳозиргача ғалла майдонининг 55 фоизида ўрим-йиғим ўтказилди. Ҳосилдорлик ана шу майдонга нисбатан гектарига 65 центнердан тўғри келмоқда. Мансур Ҳамроқулов, Нурали Раҳмонов сингари моҳир комбайнчилар мавсумнинг ўтган даври мобайнида 380-490 гектаргача майдондаги донни янчиб олишга эришдилар.



ХУШХАБАР

Ҳосилдорликда "Урганжи", "Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллиги", "Ўзбекистон" ширкат хўжаликлари пешқадамлик қилаётир. Ижарачилар ўртасида Исмоил Обоқов, Абдуқаҳҳор Мардиев, Абдулҳамид Фармонов каби миришкорлар байроқдорлик қилиб, бу борадаги кўрсаткични 86-72 центнерданга етказдилар.

Ҳозирда туманнинг барча хўжаликларида ғалла тайёрлаш бўйича давлат буюртмалари бажарилган бўлиб, янчиб олинаётган дон пешма-пеш ижарачиларга, ширкат аъзоларига тақсимланаётир. Ҳисоб-китобларга қараганда, кўпчилик ижарачилар иш ҳақи ва мукофот ҳисобига 8-10 тоннадан буғдой олмоқдалар.

Избосканликлар ўрим-йиғимни давом эттириш билан бир вақтда сомон тайёрлаш, шудгорлаш ҳамда ерларнинг бир қисмига такрорий экинлар экишни бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб бораётирлар.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сўлим гўшалар – болаларга

Курбоновлар оиласини маҳалладан йўқлаб келиб, "Фарзандингиз Нишонага оромгоҳда дам олиши учун бепул йўлланма ажратилди", дейишганда ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадон эгалари суюниб кетишди.

– Бир оғиз ширин сўз, меҳр-мурувват кўрсатиш киши кўнглини тоғдек кўтаради, – дейди Бухоро шаҳридаги Фурқат номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зебо Очилова. – Ҳозир Курбоновларга ўхшаган оилаларда вояга етаётган беш нафар ўғил-қиз "Бухороёғ" ҳиссадорлик жамиятининг ёрдами билан шу корхонага қарашли "Ниҳол" оромгоҳида бепул мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Бундай мисолларни Бухородаги исталган маҳалла, қишлоқдан кўплаб келтириш мумкин. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қарашли "Нефтчи", "Нефтгазқурилиштаъмир" ҳиссадорлик жамия-

МАВСУМ

тининг "Мовий гулхан", Шофиркондаги "Мингчинор", Ғиждувондаги "Коинот" оромгоҳларида бўлган кишининг бу ердаги қулай шарт-шароитни, болажонларнинг спорт ва турли кўнгилочар тадбирлар билан шуғулланишаётганини кўриб баҳри дили очилади.

– Вилоятимиздаги 18 та шаҳар орти, 12 та мактаболди оромгоҳларида бу йилги мавсумда жами ўн минг 200 ўғил-қиз дам олиб, саломатлигини тиклайди, – дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши бўлим мудири Мақсуд Шукуров. – Айни дамда биринчи босқичда 3105 бола оромгоҳларда ҳордиқ чиқармоқда. Бошқача айтганда, Бухоронинг энг сўлим гўшалари болажонлар ихтиёрида.

Истам ИБРОҲИМОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Тадбиркор эди... абгор бўлди

Кўп бор айтган гапни яна такрорлашга тўғри келади — одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Халқимиз андишали, сабр-бардошли халқ. Аммо, билиб қўйинглар, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар шуни қулоғига қуйиб олсин, деган эди яқинда бўлиб ўтган Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов.

ТААССУФ

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари юқоридаги фикрни жуда кўп марта такрорлайди. Ҳамма ерда ва ҳамиша адолат устувор бўлишини талаб қилади. Лекин минг карра афсуслар бўлсинки, жойларда ҳамон ўз тинчи, ўз манфаати ва ўз «яқин»ларини ўйлайдиган, раҳбарликни масъулиятли вазифа эмас, аксинча, ўзига шахсий қулайликлар яратиш учун берилган «ваколат» ҳисоблайдиган юртдошларимиз йўқ эмас. Агар шундай бўлмаганида халқ депутатлари Андижон ва Сурхондарё вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида бу қадар аччиқ ва очиқ гаплар айтилмаган бўларди.

«— Мен хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритаман, — деб ёзади Наманган шаҳар, Янгиариқ кўчаси, 1-проезд, 18 уйда яшовчи Улуғбек Солиев. — Тўғриси, кейинги йилларда тадбиркорларни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кўплаб қонунлар чиқарилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Бир сўз билан айтганда, ҳалол ва қонуний йўл билан бойиш учун тадбиркорларга кенг йўл очиб берилди.

(Давоми 2-бетда)

МОЗИЙ

Гумбаз остидаги «хазина»

Бобожон охун ҳақида бугунги авлоднинг билган маълумотлари кам, албатта.

Замондошларнинг зикр этишича, унинг отаси Машариф охун 1840 йилда Ҳонқа туманининг «Оложа» қишлоғида таваллуд топган бўлиб, узоқ йиллар Хивадаги Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида мударрислик қилган, хонлик девонида турли лавозимларда ишлаган. Араб, форс тилларини мукаммал билган Машариф охун, умр бўйи йиққан ва фойдаланган китобларини ўғли Бобожон охунга топшириб, 1912 йилда вафот қилади. Бобожон ҳам ота изидан бориб, Хивадаги мадрасаларда таълим олган, охунлик даражасига етишган. Ўтган асрнинг 20-йиллар қатағони барча зиёлилар каби бу оила бошига ҳам ўз кўланкасини ташлай бошлади. Буни олдиндан сезган Бобожон отасидан қолган барча китобларни ҳеч кимга айтмасдан ва билдирмасдан, падари бузруквори дафн этилган гумбаз остига тахлаб териб чиқади.

(Давоми 4-бетда)



"Agrar texnologiyalari"
Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси

AGRATEX

Германиядаги "BAYER CROPSCIENCE" компаниясининг дистрибьютери бўлиб, ўсимликларнинг янги, юқори даражали ҳимоя қилиш воситаларини таклиф этади.

Препарат номи	Фойдаланиш мақсади	Қадоқланиши
Байлетон WP 250	фунгицид	5 кг
Децис EC 25	инсектицид	1 л
Децис EC 25	инсектицид	0,25 л
Атлантис WG	гербицид	0,6 кг
Пума супер	гербицид	1 л
Фоликур BT 225	фунгицид	25 л

Ҳақ тўлаш - турлича!

Бундан ташқари, биз ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига бўлган талабингизни кўриб чиқишга ҳамда бу йилги ва кейинги мавсумларда уларни етказиб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилишга тайёрмиз.

Мурожаат учун телефонлар: (998-71) 144-30-09, 144-80-24, 23-48-48; факс: 144-29-84

Махсулот сертификатланган.

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Кўнгилдан тўкилган иншо

Ўғлим ёнимга дафтарини кўтариб келди:

- Ая, устозимиз "Бугуннинг Аёли ҳақида ўйлаганларим" мавзусида ижодий иш ёзиб келишни топширганлар. Нималарга кўпроқ аҳамият берсам экан?

Ўғлимга — дунёни англашга қаттиқ уринаётган ўсмирга жўялироқ жавоб изламан. Ахир ҳар қандай ўғлоннинг Аёл ҳақидаги тасаввурлари ўз онасининг қиёфаси, сўзи, тушунтиришларидан бошланади. Бугун сўзидан аввал кеча сўзи ёдимга келади. Чунки ҳар қандай бугунда кечанинг хотираси бор. Устоздан эшитган ривоятларим ёдга келади:

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир мулкнинг султони қазо қилиб, у худудни малика бошқара бошлабди. Маликанинг ақлу заковати ила мулк обод, эл тўкин яшайдиган бўлибди. Табиийки, бойликка ишқибоз бойлар кўп дунёда. Қўшни мамлакат ҳукмдори бу ҳудудга кўз тикибди, қўшин тортибди. Малика бу хабарни эшитиб, юрт дарвозасидаёқ уларга қарши чиқибди.

- Бир кунлик жангу жадал рўзғоримиздан минг йиллик баракани кўтаради. Бунинг устига, тупроғимда бир томчи ҳам қон тўкилишини истамайман. Мен халқим учун бож тўлашга тайёрман, - дебди ва марҳум султон меҳр-муҳаббат билан ҳадя этган энг қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган шоҳона либосини тақдим этибди.

(Давоми 4-бетда)



"Судга берсакмикин?"

Обид ака механизатор бўлса-да санъатни севади. Ўзи ҳам мумтоз қўшиқларни маромига етказиб қўяди. Фарзандлари, набираларини айтмайсизми? Тунов куни у кишининг тўрт-беш ҳамқишлоғига "Ўша машҳур санъаткорни судга беришим керак, аризани қаерга топширсам экан" деябтганини эшитиб қолдим.



"Ия, сизга нима бўлди, ўзингиз, айниқса набирангиз суйган санъаткорни-я?" десам, ҳасратини дастурхон қилиб қолди. Яхшиси, Обид ака ўзингиз қулоқ осинг: "Набирам ет-тинчини битирди. Шу артистнинг қўшиқлари жону дили. Қўшиқчига ўхшашга интилиб, тақлид қилади. Илгари бир нав эди. Хонанда клипларининг бирида машина кабинаси устига чиқиб куйладию тинчимиз бузилди. Набирам гоҳ трактор, гоҳ автобус устига чикволиб хиргойи қиладиган бўлди. Шудгор маҳали "Магнум"нинг устига чиқиб, йиқилиб ҳам тушди. Севги таронаси кўприкда куйланди: набирамни канал кўпригидан топиб келадиган бўлдик. Санъаткор янги қўшиқ яратди, уни осмону фалакка – улкан темир қурилма устига чиқиб ижро этди. Ана шу видеоклип яратилди-ю, тинчимиз тамом йўқолди. Набирамни бир амаллаб сув минораси тепасидан олиб тушадиган бўлдик. Бирор кор-хол юз бермасин деб жонимиз халак. Унга токайгача кўзқулоқ бўлиш мумкин, ахир. Ҳар ишда ҳам тартиб-қоида бўлади-да. Машҳурман деб техника хавфсизлигига риоя қилинмаган клипларни яратавериб мухлислари хаётини хавф остида қолдиравериш инсофданми? Кампирим адою тамом бўлди. Оиламиз кўраётган маънавий зарарни ким қоплайди? Йўқ, судлашмасак бўлмайди".

Ўктам ҚУРБОНОВ.

Девзирани ким ўғирлади?

Ширвон хола гуручни кўрди-ю, чўғи пасайганини сезиб, ҳайрон бўлди. Яқинда Тошкентга борганида ўғли ўн килоча девзира бериб юборган эди. Ҳали бирор марта ош дамламасдан анча камайибди-я.

- Наҳоткн келиним яқинларига илинган бўлса? – деб ўйлади-ю, дарҳол бу гумонидан ўзи уялиб кетди. Ҳалол ва мўмин-қобил. Бирор қўшни қарз сўраб чиққан бўлсаям, у қайнонасидан беизн иш қилмасди-ку, – ўз фикрини ўзи рад этди Ширвон хола. - Ошхона доим очиқ-сочиқ ётади. Икки ҳовли нарида турадиган Матқовулнинг оиласи ҳеч ким йўқлигида эски одатини яна бошладимикин?

Хуллас шу куни гуручнинг сирли равишда йўқолиши сабабини Ширвон хола била олмади. Гумон – иймондан айиради, деб ўйлаб бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмади. Эртаси куни бозорга кетаётган ўғлига товуқлар учун макка дони ёки буғдой чиқиндиси (сечка) олиб келишни тайинлади. Шунда 6 ёшли набираси Дурдона:

-Бувижон, ошхонада буғдой бор-ку, - деб қолди. Ширвон хола ошхонада буғдой йўқлигини айтди. Шунда набираси:

-Юринг, ишонмасангиз кўрсатаман, - дея сайради. Ошхонада буғдой борлигига ишонмаган Ширвон хола набирасининг қистови билан ичкарига кирди. Набираси унга: - Мана қип-қизил буғдой. Мен ҳар куни товуқларга шундан бераяпман-да, - деб девзирани кўрсатди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

«Тилгинам кесилсин...»

Меҳмонали туман ташкилотларининг биринчи бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Уни вилоят бошқармаси мажлисига чақиришди. Эрталаб бошланган йиғилиш тушга яқин тугади. Ҳамма ўзини эшикка урди.



Меҳмонали қоғозларини йиғиштириб, кечроқ турди. Қараса залда минбардан тушиб келаётган бошқарма бошлиғидан ташқари ҳеч ким йўқ. У ноиложликдан раҳбарни бир пиёла чойга манзират қилди.

– Сулаймон ака, бир пиёла чой ичсак.

– Ие, шунақами, бўлмасам сиз кутиб туринг, мен кабинетни қулфлаб тушаман,-деди бошлиқ.

Тилидан илинган Меҳмоналининг ранги оқарди. "Тилгинам кесилсин", дея ўзини койиди. Ташқарига чиқиб, чўнтагида борини чамалади. Икки кишига етадиган пули бор экан. Ҳайрият, ишқилиб етсин-да.

Шу пайт бошлиқ тушиб келди. Ёнида эса... э воҳ ёнида барзангидай серсавлат танишлари ҳам бор.

Меҳмоналининг оёғи қалтираб бошлади.

Эллик метр нарида машинасини қулфлаётган ҳамқишлоғига кўзи тушди, югуриб борди.

–Ассалому алайкум Шерзоджон, сени худо етказди. Шефга обед қилиб бермоқчи эдим, аксига олиб ҳамён қолиб кетибди. Қарашворасан энди. Уйда ҳисоб-китоб қиламиз.

–Гап йўқ ака, бемалол кираверинг.

Дастурхон тўкин бўлсаям Меҳмоналининг томоғидан овқат ўтмасди. Ҳали у, ҳали бу нарса кўтариб келаётган официант қиз кўзига бало-қазодай кўринар, «Яна нима олиб келай», деб ноз қилиб турганига ўлгудек. Қани милтиғи бўлса-ю шартта отиб ташласа.

Шефнинг икки таниши эса даҳадан турган қуртдай лаганларни шип-шийдон қилиб, ҳар замонда беўхшов аския қилишади. Хуллас, жаҳаннам азоби охирига етди. Меҳмонлар чиқиб кетишди. Меҳмонали шериги иккаласи официантга ҳаражатни тўлади


Шу воқеа бўлди-ю Меҳмонали мажлисга борса, киравериша ўтиради. Мажлис тугаши билан урра қочади.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ

Қимматга тушган бўса

Қулмамат Ҳурматов – савдо ташкилотининг раҳбарларидан бири. Ёш йигит бўлса-да, обрўйи баланд. Маданиятли инсон. Фақат бир марта...

Тўй қизиди. Ичкилик авжида. Қулмаматбойнинг ҳам кўнгли очилиб ичди. Ҳатто ўйинга тушди. Ўйинчи қиз сезгир экан. Қулмаматбойда пул кўплигини билди. Қўлидан даврага тортиб қўймади.



– Акажоним, битта ўйнайлик. Йўқ деманг. Бир дилим кетди сизга, – деди у қийшанглаб.

Бир томони ароқнинг таъсири, бир томони гўзал жонон қўлидан ушлаб тортяпти...

– Вах-вах! - деди Қулмаматбой, - Асалсиз... Асиласиз...

Ўртага чиқди. Ўйинчи қиз қошини қоқиб шундай ўйнаяптики... Савдо ташкилоти бошлиғи ноздардан маст бўлди:

– Ма-на... пул... пул.. икки ю-зи-имдан ўп-са-нги-з...

Ўйинчи қиз шартта Қулмаматбойнинг икки юзидан ўпди. Мингталикдан ўнтани ундирди. Қулмаматбой талпанглаб машинага чиқди. Эрталаб хотини жанжал бошлади:

– Икки юзингиздан ким ўпган?.. Ойнага қаранг...

– Ўйинчи ўпди... – Кечагининг бош оғриғи билан ярим хазил, ярим эркалади Қулмаматбой...

Ғалва бошланди. Хотини Ойсултон қизчасини қўлига олиб, тугунини кўтариб отасиникига жўнади. Ўлсам ҳам сизни кечирмайман, қайтиб келмайман, деб йўлга тушди. Ойсултонни қайтариш учун қанча вақт, асаб бузиш... маҳалланинг аралашуви... Хурматли кишиларнинг ўртага тушиши... Хозир бахтли яшашади.

Гоҳо тўйларда дўстлари ҳазиллашади:

– Қулмаматбой ўйинчи қиз би-ир ўпайин деяпти, а-а?

– Хўш-ей... Хўш-ей... – деб кўлларини кўтаради, у.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

Демократия институти

Бугун Навоий вилоятида ҳам турли нодавлат нотижорат ташкилотлари тузилиб, уларнинг ҳар бири аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Масалан, вилоят "Умида" хотин-қизлар маркази томонидан яқинда Кармана туманининг бир қанча маҳаллаларида хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилишларининг олдини олиш мақсадида "Гулноранинг оиладаги ҳуқуқи қани?" мавзусида театрлаштирилган томоша кўрсатилди. Бу саҳна кўриниши Учқудуқ, Зарафшон, Томди туманларидаги маҳаллаларда ҳам намойиш этилиб, аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Бундай тадбирлар ҳуқуқий фуқаролик жамиятида аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини билиб юришларида уларнинг ҳаётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ҲУҚУҚ

Бу ишларга бош-қош эса вилоят нодавлат, нотижорат ташкилотлари маркази-дир. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, марказ 2001-2004 йилларда 900 нафар қизни касб-ҳунарга ўргатган. Бундан ташқари, "Инсон ҳуқуқлари", "Оила муқаддас", "Қўшнинг тинч – уйинг тинч" ва "Саломатлик келажак ҳаёт" мавзуларида семинар тренингларни ҳам мунтазам ўтказиб келмоқда.

Албатта, ҳар бир жамоат ташкилотларининг халқ ичига кириб, уларнинг қизиқиш ва муаммоларини ўрганиши айни муддао. Шу мақсадда айни дамда вилоят адлия бошқармасида 186 та ана шундай жамоат бирлашмаларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада фаоллаштиришга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Ибодулла АҲАТОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси
жамоат бирлашмалари бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Шошилинчнома

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ, "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ" ГАЗЕТАСИГА

Эллиққалъа тумани ғаллакорлари 2800 гектар ғалла майдонидан 30 центнердан ҳосил кўтардилар.

Натижада давлатга 3421 тонна сара дон сотилиб, шартнома режаси қисқа муддатда ортиғи билан бажарилди. Ҳосилнинг 600 тоннаси уруғликдир. Туманда жами 14000 тоннага яқин буғдой ишлаб чиқарилади.

Шартномани уддалашда тумандаги "Дўстлик", "Тоза-Амиробод", Г.Одилов номли, Ал-Хоразмий номли, "Янгиер", "Эллиққалъа", "Сарабий", "Қирққиз" сингари ширкат ва фермер хўжаликларининг улуши катта бўлди. Дон ҳосилини йиғиб-териб олишда "Қорақалпоқагроинтехника" ташкилотининг инженер-техник ходимлари ва "Класс", "Нюхолланд" комбайнлари ҳайдовчилари ҳам катта жонбозлик кўрсатишди.

Тумандаги бир қатор ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари далаларида ғалла ўрим-йиғими ишлари ҳамон қизғин давом этмоқда.

Туман ҳокими
Н.ХУДОЙБЕРГЕНОВ.





"Хива – Карпет" Ўзбекистон – Германия қўшма корхонаси маҳсулотларини бугун хорижликлар ҳам яхши билишади. Чунки бир неча йилдан буён корхонада тайёрланаётган бежирим гиламлар чет давлатларга экспорт қилинмоқда.

СУРАТЛАРДА: ишчилар Бону Бобожонова ва Манзура Давлатова.

Б.Акрамов олган суратлар.

МУЛОҲАЗА

Истеъмолчини ким ҳимоя қилади?

Албатта, қонун! Чунки, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар фуқароларнинг манфаатларини кафолатлайди, эркин, демократик жамиятда тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлайди. Айниқса, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида харидорларнинг барча талаб ва истаклари тўлиғича ўз ифодасини топган.

Аммо, шунга қарамай, бугунги кунда истеъмолчилар ҳуқуқи тўлиқ ҳимоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Бозордан ноз-неъмат харид қилган киши кунда-шундалардан, ҳайвон олган одам даллолдан, чироқ, "зангори олов" ёққан шахс таъминотчидан, кийимини тозалатган буюртмачи маиший хизмат ходимидан, йўловчи ҳайдовчидан, бемор шифокордан, автомобил эгаси бензинфурушдан баъзан норози. Нега ҳамиша олувчининг насибасига кўз тикувчилар кўп?

Телефон эгаси муддатида ҳақини тўлаб қўймаса, бу беминнат дастёридан бир зум айрилади. Ҳатто, огоҳлантириб қўйиш ҳам эп кўрилмайди.

Шартномага "доғ" туширган мижоз учун кун ҳам тунга айланиши, чироғи ўзиб қўйилиши тайин. Газ масаласида-ку, гапириш ҳам ортиқча. Ҳақини аввалдан "ўтказиб" қўйиб, ҳафталаб "ҳиди келса маст бўлайлик", деб бўзлаётганлар қанча.

Мана шу ҳолатларнинг аксариятида истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқи бузилаётганини яхши биламиз. Бу белгиланган қонун-қоидаларга зид эканлигини ҳам англаймиз. Ва, кўпинча ҳуқуқимиз топталишининг асосий заминини бошқа ердан изламиз.

Фуқаролик жамиятида, энг олий ҳакам – қонун. Шу маънода қарасак, демак, фуқаро сифатида ўзини ўзи ҳурмат қилувчи шахс, энг аввало, ўзи мансуб бўлган, яшаётган мамлакат қонунларини пухта ўзлаштириб олмоғи лозим. Қонунларни пухта билмай, ўрганмай туриб улар "ишламаётганидан" нолиш керакмас. Шу маънода ўрни келса-келмаса, "қонунлар бўш, ҳаётий эмас, яхши ишламаяти", деб ёзғириш ўрнига, уларни синчиклаб ўрганиш, ўрнида саводли фойдалана билиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олиш мақсадга мувофиқдир. Инглизлар айтади: "Бир умр зулматни лаънатлагандан кўра, битта шам ёқиб, бир ғариб кулбасини нурафшон этган афзал". Шу каби, амалдаги қонунларни осонгина инкор этишдан илгари аввал уларнинг мазмун-моҳиятини обдон илғаб олиш фойдалироқдир. Ана шунда ўз ҳуқуқи камситилган мижоз дарров ҳокимият ёки ҳуқуқ-тартибот идораларига чопишдан аввал, ўша қонунбузарга рўбарў келади, истеъмолчи сифатида манфаатини дадил ҳимоя қилади. Жамиятнинг фаол аъзосига айланади.

Харидингиз учун дўкондордан чек талаб қилишингиз, ишламаётган телефонга ҳақ тўламаслигингиз, кун ора ўчиб ёнадиган "зангори олов" мутасаддиларини тартибга даъват этишингиз, сотиб олган сифатсиз матони бошқасига алмаштиришни уддалашингиз – сизнинг истеъмолчи сифатидаги қонуний ҳуқуқингиз эканлигини асло унутманг.

Мижознинг ҳуқуқини ким ҳимоя қилади? Энг аввало, унинг ўзи! Чунки, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида ҳар томонлама қонунлар билан ҳимояланган ва буни асло унутмаслиги зарур.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган журналист.

Тадбиркор эди... абгор бўлди

(Боши 1-бетда)

Лекин афсуслар бўлсинки, айрим мансабдорлар ҳамон тадбиркор ва ишбилармонларнинг йўлига турли сунъий тўсиқлар қўйиш билан шуғулланмоқдалар. Менинг ўзим ҳам иш фаолиятим давомида ноҳакликка дуч келиб, икки йил давомида ўзимнинг қонуний ҳақимни ололмасдан сарсон бўлиб юрган эдим. Ҳаттоки, «адолат йўқ экан», деган фикрда барчасига қўл силташ арафасида юрганимда, Юртбошимизнинг Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларини телевизорда эшитиб қолдим. Эртаси куни газетадан нутқ матнини ўқиб чиқдим. Ана шундан кейин яна менда «ноҳакликларга қарши курашиш керак. Ахир Юртбошимиз адолат бор ва у, албатта, ғалаба қилади, адолатсизликка эса бархам берилади», деб турибди-ку, деган фикр пайдо бўлди. Адолатга ишончим мустаҳкамланган боис сизларга мактуб йўллашга қарор қилдим».

Муштарийнинг мактубига эътибор берган бўлсангиз, у менда «адолат устуворлигига ишонч пайдо бўлди», деб таъкидлаяпти. Бу бежизга эмас. Чунки, у бошини ноҳақлик деворига уравериб-уравериб чарчаган ва унда «адолат йўқ экан», деган туйғу шаклланиб улгурган. Кишида адолат йўқлигига ишонч пайдо бўлдими, демак у, келажакка ҳам, қонун устуворлигига ҳам, ҳокимиятга ҳам, тузумга ҳам, демакки, давлатга ҳам ишончсизлик кўзи билан қарайди. Қачонки, фуқаро ўзи яшаётган жамиятда қонун устувор эканлигига ишонса, қонун уни ҳимоя қилишини билса, унда ўз келажагига, қолаверса, ўзи яшаб турган жамиятга, тузумга ишонч мустаҳкамланади. Юртига фидойилик билан хизмат қилади.

Келинг, аввал Улуғбек Солиевда нима сабабдан амалдаги қонунчиликларимизга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлгани сабабини аниқлаб олайлик, ундан кейин яна фикримизни давом эттирамиз:

«— 2002 йилнинг 20 июн куни Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси билан 200024 рақамли шартнома имзолаб, умумий қиймати 18 миллион сўмлик маҳсулот топширдим. Маҳсулотни қабул қилиб олгунча қоп-қоп ваъда берган бошқарма раҳбарлари ўз сўзларида турмадилар. Яъни шартномада кўрсатилган муддат ўтиб кетган бўлса-да, менга тегишли бўлган маблағни ҳисоб рақамимга ўтказиб бермадилар. Бир йилдан ошиқроқ вақт уларнинг озгаки ваъдаларига ишониб юрдим. 2003 йилга келиб, Наманган вилоят хўжалик судига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Вилоят хўжалик суди судьялари ишга қонунан ёндошиб, 2003 йилнинг 22 августида 16-0303-1670 сонли суд буйруғига асосан жавобгар-қарздор Наманган вилоят насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси ҳисобидан 18.379.900 сўм асосий қарзни ва 91.900 сўм давлат божи ва суд харажатларини ундиришни белгилади.

Лекин суд буйруғи чиқарилганига яқин бир йил бўлаётганига қарамасдан, жавобгар-қарздор ҳамон бу буйруқни бажаргани йўқ.

Жавобгар ўз ихтиёри билан суд буйруғини бажармаслигига кўзим етгач, 2004 йилнинг май ойида суд ижрочиларининг Наманган шаҳар бўлинмасига мурожаат қилдим. Суд ижрочиларининг Наманган шаҳар бўлинмаси катта суд ижрочиси А. Позилов 2004 йилнинг 11 майида қарздор юридик шахснинг ҳисоб рақамига арест солиш ва инкасса қўйиш тўғрисида қарор чиқарди ва жавобгарнинг ҳисоб рақамида бўлган 180.419.314 сўм маблағни хатлади. Шундан сўнг суд ижрочиси билан жавобгарга хизмат кўрсатувчи АТ «Туронбанк»нинг вилоят бўлимига борганимизда кутилмаган ҳолатга дуч келдик. Банк ҳуқуқшуноси бизга Наманган вилоят хўжалик суди судьяси А. Адиловнинг 2004 йил 26 март кунги ажримини кўрсатди. Ажримда бизнинг ишимиз хўжалик суди томонидан 2004 йилнинг 19 апрел куни соат 14.40да қайтадан кўрилиши кўрсатилган экан. Шунингдек, «ажрим нусхалари томонларга ва қарздорга хизмат кўрсатувчи АТ «Туронбанк» Наманган вилоят бўлимига юборилсин», деб кўрсатилган экан. Ваҳоланки, биз банкка 2004 йил 14 май куни борган эдик.

Ана шундан кейин мени навбатдаги оворагарчиликларим бошланди. Аввалига судья А. Адиловни топишнинг ўзи бир муаммо бўлган бўлса, топгач, у кишининг мавҳум сўзларини тушунмадим. 2004 йил 18 май куни А.Адиловнинг қабулида бўлганимда, «бу иш кўрилмасдан қолдирилган, бориб пулингизни олишингиз мумкин», деди. Банк ҳуқуқшуноси эса, А. Адиловдан расмий рухсатнома олиб келишимни талаб қилди.

Хуллас, 2004 йилнинг 19 май куни яна судья жаноблари-нинг қабулига бордим. У киши эса кўз олдимда «Суднинг 2003 йил 22 августдаги 16-0303-1670 сонли суд буйруғини мазкур ажрим қабул қилинган кундан бошлаб 2 (икки) ой муддатга ижроси кечиктирилсин», деган мазмундаги ажримни тайёрлаб, қўлимга тутқазди. Мен ундан «ахир суд мажлиси бўлмаган-ку», деб сўрадим. У эса «саволингга жавобни ажримдан топасан», деб мени хонасидан ҳайдаб чиқарди. Кўчага чиқиб ўқиб кўрсам, ажримда шундай ёзилган экан: «Ушбу хўжалик судини кўриб чиқиш ҳақидаги суд ажримида суд мажлиси бўладиган жой, кун ва вақти ҳақида белгиланган тартибда даъвогарни хабардор қилинган бўлсада бироқ номаълум сабабларга кўра суд мажлисига келмади».

Ахир мен шундай суд бўлиши ҳақида 2004 йилнинг 14 майида хабардор бўлсам, 18 май куни А. Адиловнинг ўзи билан учрашиб гаплашган бўлсам-у, 19 май куни судья жаноблари 2004 йилнинг 19 апрел санаси билан ажрим чиқариб берса, ахир бу қайси қонун-қоидага тўғри келади?»

Халқимизда «қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам», деган доно нақл бор. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, ўқувчининг кўнглида У. Солиев ҳам фақат ўз манфаатини кўзлаб ариза ёзган бўлиши мумкин-ку, деган савол туғилиши табиий. Шунинг учун ҳам биз У. Солиевнинг аризасига илова қилинган ҳужжатлар билан танишиш чиқдик, мутахассис-ҳуқуқшуносларга кўрсатдик. Мутахассислар билан ҳам фикримиз бир жойдан чикди.

Биринчидан, хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳукмининг бир йилдан буён ижро этилмаётганининг ўзи қонунбузарлик. Ҳар қандай жамиятда қонун устувор бўлиши учун, энг аввало, ҳар бир фуқаро, у раҳбар бўладими ёки оддий фуқароми, қонунга буйсуниши шарт! Қонунга буйсунилмаган жамиятда ҳуқуқий давлат ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, бу ўринда жавобгар-қарздор ташкилот раҳбарлари ва мутасаддилари қонунга буйсунишни, қонунни ҳурмат қилишни исташмаяпти, деган хулосага келишимиз мумкин.

Иккинчидан, Наманган вилоят хўжалик судининг судьяси А. Адилов суднинг 2003 йил 22 августдаги 16-0303-1670 сонли суд буйруғини кечиктириш ёки бекор қилиш ваколатига эга эмас. Чунки бу масалани Олий хўжалик суди кўриб чиқиши ва ҳал қилиши лозим эди.

Учинчидан, агар У. Солиевнинг ёзганларига ишонмасдан, ҳақиқатдан ҳам А. Адилов ажримни 2004 йил 19 майда эмас, аксинча, 2004 йил 19 апрелда чиқарган бўлса, нега банк ҳуқуқшуноси 2004 йилнинг 14 май куни суд катта ижрочиси А. Позилов билан У. Солиевга А. Адилов томонидан 2004 йил 26 март куни имзоланган «ишни кўриб чиқиш» ҳақидаги ажримни бераяпти? Нега 2004 йил 19 апрел санаси билан имзоланган ажрим банкда мавжуд эмас?

Тўртинчидан, У. Солиев ишни қайта кўриш ҳақидаги ажримдан 2004 йил 14 майда хабардор бўлганини айтиб турган бир пайтда, А. Адилов унинг ўзини айбдор қилиб, ажримда «суд мажлиси бўладиган жой, кун ва вақти ҳақида белгиланган тартибда даъвогарни хабардор қилинган бўлсада бироқ номаълум сабабларга кўра суд мажлисига келмади», дейишида асос борми? Асос бўлса, у қандай асос? Ахир У. Солиев судга чақирилса, ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун, албатта, борарди. Бунга шак-шубҳа йўқ. Нега «шак-шубҳа йўқ», деяётганимизнинг сабабини ҳам қуйирокда таҳлил қилиб кўрамиз.

Бешинчидан ва энг асосийси, Судья А. Адиловнинг 2004 йил 19 апрелдаги (аслида 19 майдаги) ажримига жавобгар-қарздорнинг «суд ижросини кечиктириш ҳақидаги» 2004 йил 11 мартдаги аризаси асос бўлган. Бу ҳолат ажримда қуйидагича кўрсатиб ўтилган:

«Суд бундай ҳолатда Хўжалик процессуал кодексининг 217 моддасига асосланиб, жавобгар вакилини келтирган аризасини, важларини ўрганиб чиқиб, атрофлича муҳокама қилиб ҳамда суд ҳужжати ижросини кечиктирмаслик жавобгарнинг насосларни таъмирлаш ишларини амалга оширолмаслигини, бу эса ўз навбатида пахта, ғалла экинларига салбий таъсирини кўрсатишини инобатга олиб, мазкур хўжалик иши бўйича берилган ижро ҳужжатини ижросини 2 (икки) ой муддатга кечиктиришни лозим деб ҳисоблайди».

Ушбу ажримни ўқиб чиққач, «эй, ҳамма гап бу ёқда экан-да, судья жаноблари пахта ва ғаллани ўйлаб ижрони икки ой кечиктирган экан-ку», деб ўйлашингиз табиий. Аввалига биз ҳам шундай ўйлаган эдик. Лекин галдаги ҳужжатни кўздан кечира туриб, яна ҳафсаламиз пир бўлди.

АТ «Туронбанк» Наманган вилоят филиали бошқарувчиси суд ижрочиларининг Наманган шаҳар бўлинмаси катта суд ижрочиси А. Позилов сўровномасига 2004 йил 17 майда ёзган жавоб хатида шундай жумлалар бор:

«...қарздор Наманган вилоят насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасининг ҳисоб рақамидаги 180.419.314 сўм пул маблағларидан 107 миллион сўми қарздор бошқармининг ишчи хизматчиларини ойлик иш ҳақларига тегишли бўлганлигини инобатга олиб, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга йўналтирилган. 30 млн. сўмини эса вилоят хўжалик судининг ажримига асосан ундирувчига ўтказиб берилган»

Ана шу ўринда яна бир қоп савол туғилади. Хўш, У. Солиевнинг 18 миллион қарзи ундирилса, вилоятнинг пахта ва ғалласи ривожига таъсир қилади-ю, бошқа бир тадбиркорнинг 30 миллион сўми ундирилса таъсир қилмайдими? Қани бу ўринда мантиқ? Судья жаноблари вилоят пахта ва ғалласини ўйлаяптими ёки...

Олтинчидан...

Келинг, «лирик» чекинишимиз чўзилиб кетганини ҳисобга олиб, «олтинчи» сабабни очиқ қолдирайлик-да, яна У. Солиевнинг ҳасратига қулоқ тутайлик:

«Жавобгар-қарздордаги маблағимга ишониб, АТ «Асакабанк» нинг Наманган вилоят бўлимидан 15 миллион сўм кредит олган эдим. Жавобгарнинг ортидан югуриб, кредитимнинг ҳам муддати ўтиб кетди. Кредитдан кўзланган фойдани ололмаганимга ҳам айнан юқоридаги «ўйин»лар сабаб бўлди. Нима бўлганда ҳам мен АТ «Асакабанк»нинг Наманган филиали билан шартнома тузганман ва олган қарзимни қайтаришим шарт. Аксинча бўладиган бўлса, банк билан тузилган шартномада кўрсатилганидек мен уйсиз қолишим мумкин. Чунки гаров шартномасига мен ўз яшаб турган уйимни қўйганман. Бугунги кунда банкдагилар ўз талабларини қўйишаяпти ва мен уларни ҳақ, деб ҳисоблайман. Агар жавобгар-қарздордан ўз пулимни ололмасам, оилам билан кўчада қолишим аниқ. Бундан хабар топган отам Аҳмаджон Солиев юрак хуружи билан касалхонага тушиб қолди. Шифокорлар отамга инфаркт, деб ташхис қўйишди. Отам галдаги зарбани кўтаролмаслиги мумкин.

Менга ва оиламга етказилган моддий ва маънавий зарарни жавобгардан қандай ундириб олишим мумкин? Тўғриси, мактубим аввалида ёзганимдек, адолат борлигига ишонмай қўйган эдим. Айрим кишилар пулимни ундиришнинг турли қинғир йўлларини ҳам таклиф қилишди. Мен қонунни бузишни истамадим. Лекин Юртбошимизнинг халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларини тинглаб, яна ишонч пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам сизларга мактуб йўллашга қарор қилдим. Умид қиламанки, менинг аризамни бефарқ қолдирмайсизлар».

Мана, бор-йўқ масала шундан иборат. Мақола чоп этилгунча А.Адилов чиқарган аҳрим муддати ҳам ўтиб бўлди. 2004 йил 19 июндан бошлаб суднинг 2003 йил 22 августдаги 16-0303-1670 сонли буйруғи яна ўз кучига эга бўлди. Хўш энди, насос станцияси раҳбари тадбиркор У.Солиевнинг ҳақини бермасликни қандай «усулини» ўйлаб топишаркан?..

Энди наманганлик тадбиркор нима қилиши керак? У кўчада қоладими ёки...

Ислом ҲАМРО,
журналист.

МАСЛО ХЛОПК 930,0▲ -7,4 | ЦЕМЕНТ 30,5 ▲+1,2 | УГОЛОК 600,0▲ +205,5 | АРМАТУРА 419,0▼ -142,9 | КРУГ 411,1 ▲ +45,1 | МЕДНАЯ КАТАНКА 3031,7 ▲ +14,0

ИҚЛИМ

Саратонда сукут йўқ

Саратон кирганини билиш қийин эмас. Чунки жавзо охирлаши билан қушлар бесарамжон бўлиб, қурбақаларнинг "вақ-вақи" туни билан тинмай қолади. Қисқаси, туннинг сукунати бузилдими билингки, саратон кирди.

Саратон - ҳижрий йил ҳисобининг тўртинчи ойи. Бу туркум юлдузлари осмоннинг шимолий ярим шарида Силовсин, Эгизаклар, Кичик Ит, Гидра, Асад ва Кичик Арслон юлдуз туркумлари орасида жойлашган.

Йилнинг энг узун куни ва энг қисқа туни айнан саратонга тўғри келади. Ҳисобкитобларга қараганда, бу вақтда куннинг узунлиги 17 соату 37 минутгача чўзилади. Бу ойнинг илк олти кунида кузатилади, холос. Сўнгра яна кун қисқариб, тун узая боради.

Мутахассислар қушларнинг тундаги беҳаловат чуғур-чуғурини уларнинг полапонларининг учирма қилиши билан изоҳлашади. Баъзи, бу даврга келиб майна, қораялоқ, чумчуқ, ҳакка болаларини учирма қила бошлайди. Мусича эса ҳозирнинг ўзида иккинчи бор жўжа очиб бўлди. Тошбақалар эса шу кунлари зўр бериб овқатланиш пайига тушган. Чунки улар саратон тугаши билан ёз уйқусига кетади. Тошбақалар ёз уйқусидан ҳеч қанча вақт ўтмай яна куз-қиш уйқусига кетади. Хуллас, тошбақалар йилнинг 240 кечакундузини уйқуда ўтказади.

Йилнинг энг иссиқ кунлари ҳам саратон ойига тўғри келади. Чунки 25 июндан ёзнинг чилласи кириди-да. Халқимиз "чилла - ҳар дами тилла", дейди. Негаки, чилланинг жазирамаси чиллаки олма, шафтоли, анжир, узум, қовун, тарвузга қизиллик бахш этади. Шунингдек, буғдой, арпа ўрнига такрорий экин экиш ишлари ҳам айни саратон ойида амалга оширилади. Зотан "саратонда сукут йўқ", деб бежиз айтилмаган.

Республика гидрометеорология маркази мутахассисларининг кузатишларича, бу йил саратон бошидаги об-ҳаво ўтган йиллардагидан унчалик фарқ қилмайди. Демак, 22-24 июн кунлари юртимизда кутилаётган об-ҳаво маълумоти билан танишинг. Соҳа мутахассисларининг хабар қилишларича, шу кунлари ҳаво кам булутли бўлиб, ёғингарчиликлар кутилмайди.

Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 15-20 даражадан 18-23 даражагача, кундуз кунлари эса 30-35 дан 34-39 даражагача иссиқ бўлади. Республикамиз жанубий ва чўл ҳудудларида кечаси 17-22 дан 20-25 гача, кундузи 32-37 даражадан 36-41 даражагача иссиқ бўлиши башорат қилинаётир.

Саид РАҲМОНОВ тайёрлади.

Оҳанраболи манзил

Марғилонлик Жамолиддин отани кўпчилик танийди. Аввал темирйўлчи бўлган. Ҳозир ёши тўқсонга бориб қолди. Ҳар гал водийга йўлим тушса, у кишини бир зиёрат қиламан. Гаплари, гурунгларини эшитиб, бир асрнинг нари-берисидаги ғаройиб воқеаларни ҳам билиб оламан.



Бир куни ўзлари гап очдилар: "Аввалларимарғилонга келган одам Бурҳониддин Марғиноний ҳазратлари қадамжоларини сўроқларди. Ҳайриятки, Юртбошимиз ташаббуслари билан бу қадим шаҳарда ҳазратга буюк эҳтиром сифатида рамзий хотира мажмуаси бунёд этилди. Тасаввур қилинг, бундан 20 йил бурун хориждан келган ватандошларимиз ул зоти шарифнинг Самарқанддаги қабрини зиёрат этиш тугул, ҳатто унинг она шаҳри бўлмиш Марғилонни ҳам бир кўролмай кетишарди. Энди-чи? Деярли ҳар йили улуғ алломаларимиз, пиру-авлиёларимиз ётган муборак жойлар бутунлай қайтадан тикланяпти. Уларнинг номлари эъзозланяпти, қадрланяпти. Мен бу гапларни бекорга айтмаяпман. Марғилонда яна бир хайрли иш бошланган. Яъни, Бурҳониддин Марғиноний номидаги замонавий Ислом маъҳади биноси қуриляпти. Жалолиддин ўғлим у ерда ўзи гувоҳ бўлаётган ибратли воқеаларни айтиб берганди, эшитиб бошим осмонга етди".


Отахон айнан шу қурилиш баҳонасида бўлаётган айрим воқеаларни энди ҳикоя қила бошлаган эди, Жалолиддин аканинг ўзи келиб қолди. Отахон ўғлига қараб "ҳалиги 80 ёшли чолнинг саховати ҳақида гапираётувдим, ўзингиз айтиб бера қолинг, ўғлим", дедилар. Жалолиддин ака кулимсираб, ҳикоясини бошлади:

– 80 ёшли бир отахон олдимга келиб, "укажон, ўзимнинг боғимдан чиққан узумларни сирка қилиб бозорда сотаман. Шу десангиз, яхши ният билан озгина пул йиғиб юрувдим, манави чорсига тугиб қўйибман. Шу улуғ даргоҳ қурилишига менинг ҳам улушим қўшилсин", деб қолди. Бирдан қоғоз-қалам олиб, исми-шарифи, манзилини сўраб ёзишни энди бошловдим, қўлимдан ушлади: "Нима қиляпсиз? Мен ахир савоб учун ҳеч кимга айтмай бу ёққа келсаму, сизни қаранг, хижолатга қолдиряпсиз-ку", деди. Мен шароитни тушунтириб, "Отахон, минг раҳмат сизга, лекин ёзиб қўймасам, иложим йўқ", десам, қайда у киши "йўқ, менга ҳеч қандай ҳужжат-пужжат керак эмас. Жуда зарур бўлса, бирортасининг номига ёзиб қўя қолинг, мен розиман", деб туриб олди. Ахийри, усталардан учтўрттасини чақириб, отахонга сездирмай ўзимиз учун қоғоз тўлдирдик. У киши хурсанд бўлиб чиқиб кетдилар...

Жалолиддин ака секин дафтарини варақлайди. Катта-катта рақамлар билан "1993 йил апрел..." деб ёзиб қўйилган санага изоҳ сўрайман. "Бу мазкур илм масканига илк пойдевор қўйилган вақт. Бутун водий аҳли меҳр билан, мурувват билан иш бошлаган эди. Ўтган ўн йил давомида деярли ҳамма бунёдкорлик ишлари ҳашар йўли билан, қолаверса, бегараз саховат ва ҳиммат йўли орқали амалга ошириляпти. Насиб этса, яқин орада бу мажмуа битганидан сўнг илм, маърифат истовчи ёшларни яна бир даргоҳ ўз бағрига олади.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

Фарғонанинг Лоғон қишлоғилик Фозилжон отанинг мажмуа ҳовлисига эрта баҳорда ўз қўли билан экиб кетган энг сара гилосларини бирма-бир кўрсатиб чиқар экан:



– Шу отахон салкам 60 чақиримдан ҳар ҳафта Марғилонга келиб-кетади. Мажмуа ҳудудидаги ерларни, баҳорда экилган тоқлар, дарахт ва гулларни Икромжон исмли фидойи усталар ишини бирма-бир кўздан кечириб, эринмай ўз маслаҳатларини беради. Ана шундай эзгу ниятли инсонларни кўрганингиздан кейин куйиб-ёниб ишлагинг келади-да, – дейди мазкур мажмуа қурилиши раҳбари Жалолиддин Камолов.

Жалолиддин аканинг бу гапларини эшитиб, отасининг ундан яхши маънода ёзғириб айтган сўзлари эсимга тушди: "Билмадим, ўша жойнинг бир оҳанрабоси борга ўхшайди. Ҳар-ҳар замонда мендан хабар, дуо олиб кетгани келмаса, бошқа пайти уйга келишга вақт тополмаяпти".

Не-не давру давронларнинг юзлаб, минглаб талотумлари-ю, қувончли-ташвишли воқеаларига гувоҳ бўлган бу нуроний отахоннинг "Оҳанрабоси бор жой" деган таърифни ишлатишига ҳам балки бир ҳикмат бордир. Қолаверса, яна бир оддий ҳақиқат: у ҳам бўлса, сизу биз энди-энди англаб етаётган ана шу ҳикмат замирида ўтган ўн йилликларнинг мазмун-моҳияти, қадр-қиммати ҳам зоҳир бўлаётир. Бугун Самарқанду Бухорони бир кўрмоққа орзуманд бўлганлар эртага сўлим водийга, Хўқанди Латиф ё Марғилонга талпинсалар ҳеч ажабланмаймиз. Чунки зукко адиб, ҳассос шоир Ойбек домла таъриф берганлари каби бу юртнинг ҳар қаричида "олтин гуллайди".

...Кеча эса Марғилондан Жалолиддин ака қўнғироқ қилиб "ниҳоят, мажмуамизнинг ярми битди. "Меҳр ва мурувват йили" хосиятли келаяпти. Халқимизнинг хайрсаховати, чексиз ҳиммати эвазига бунёд бўлаётган мажмуамиз энди анча тароватли, юртдошларимизнинг қадами аримайдиган файзли маскан бўлиб бораяпти. Оз қолди, юртимизда яна бир табаррук қадамжо бунёд бўлади", дея ўзининг қутлуғ ниятини изҳор этди.

Норқобил ЖАЛИЛ
Суратларда: мажмуа қурилишидан лавҳалар.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ШИРКАТНЫХ, ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ, ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ!

Товар сертифицирован	Организация продает со склада в Ташкенте
АВТОШИНЫ 165x13, 175x13, 185x15, 8,40x15, 5,90x13, 6,40x13, 205x70P, 220x508, 240x508, 260x508, 280x508, 290x508, 300x508, 320x457, 320x508, 370x508, 530x610, 610x655, 695x16, 8,25x15, 240x508M-149, 1025x420x457, 1200x500x508, 1200x530x533, 1300x530x533, 2100x28, 2100x33, 1600x24, 1800x25	**АККУМУЛЯТОРЫ** от 55 до 200, производство КНР **СЕЛЬХОЗШИНЫ** 9,00x16, 15,5x38, 6,50x16, 9,5x42, 11,3x30, 11,2x20 **ПРОКЛАДКИ** для а/м "МОСКВИЧ" **ПРОДАЮ ХОДОВУЮ ЧАСТЬ** для ГАЗ-53 в комплекте: передняя и задняя рессоры, передний и задний мосты, рулевая колонка. По ценам ниже рыночных

Тел.: (3712)66-32-52, 65-80-48, 182-42-91, (067)88-29

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

«АГРОТЕХХИЗМАТ-ММТП» МЧЖ

Сотилади:
ТТЗ-80.11., ТТЗ-80.10., МТЗ-80Х, Т-28х4, ДТ-75, Т-4А русумли тракторлар ва уларга эҳтиёт қисмлар.

Сотиб оламиз:
Янги ва таъмирталаб ТТЗ-80.11., ТТЗ-80.10., МТЗ-80Х, Т-28х4, ДТ-75, Т-4А русумли тракторларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини.



Тўловлар — пул ўтказиш йўли билан. Маҳсулот сифати кафолатланган.

Тел.: 144-90-47, 144-05-42. Факс: 144-16-46.

Олтин қонуният

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий муносабатлар мураккаблашиб бориши кузатилади. Бу фан тилида "рақобат" деган тушунчани англатади. Бундай шароитда тижорат банклари олдидаги асосий масала рақобатда ютиб чиқиш ҳисобланади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда қўшимча молиявий маблағларга бўлган эҳтиёж ортади. Кескин тус олаётган рақобатчилик шароитида банклар ўз мавқеини сақлаб қолиб, сармояси ва мижозларни кўпайтира олиши учун фаолиятнинг ҳар бир жабҳасини чуқур таҳлил қилиб боришлари лозим. Улар "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддасига мувофиқ ўз мижозлари ва омонатчилари маблағларининг сақланиши ва улар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши, жумладан, тўловларнинг ўз вақтида бир банкдан бошқасига ўтказилиши ва маблағларнинг корхона, ташкилотларнинг ҳисоб варақларида тўғри қайд этилиши учун жавобгардирлар.

Банкнинг даромадлилиги ва ликвидлилиги масаласида энг мақбул мутаносибликка эришиш ғоят муҳимдир. Юқори даромадлилик ёки паст ликвидлилик юзага келса, молия муассасасида бир қатор масалалар нотўғри ҳал этилаётганлигидан далолат беради. Қисқа муддатли ликвидлиликка бўлган эҳтиёжни қондириш ва узоқ муддатга паст ликвидли инструментларга қўйилган маблағлар ҳисобидан фойда олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш банкни бошқаришнинг энг муҳим унсури саналади. Банк бошқарув органлари ва ижрочи мутасаддилар ишидаги самарадорлик ана шу мувозанатнинг қандай сақланганлигига қараб баҳоланади.

Кўп фойда олиш учун банк бир қатор иқтисодий масалаларни ҳал қилиши лозим. Хусусан, у ўз харажатларини қоплайдиган даражадаги фойда олишга, келгусидаги равнақини таъминлашга, дивидент ва фоизларни тўлашга, зарур суғурта захираси жамғаришга, давлат чегирмаларини тўлашга эришиши лозим. Шунингдек, банкнинг тўлов қобилиятини таъминлаши, ўз муддатида кредиторлар - давлат, банклар ва омонатчилар олдидаги мажбуриятларини белгиланган вақтда тўлиқ тарзда бажариши керак. Молия муассасаси даромадлиликни йўқотмасдан ёки қўшимча харажатларсиз ликвидлиликни, жумладан, банк активларининг пул шаклида (нақд ва тўлов воситаси сифатида) тез айланишига эришиши керакки, бу билан ўз мажбуриятларини муддатида бажаришни таъминлайди.

МОЛИЯ

Жаҳон тажрибасида шундай "олтин қонуният" ишлаб чиқилган: банк маблағлари ҳажми ва муддати мажбуриятда кўрсатилганига мувофиқ келиши керак. Ликвидлилик тўловга қобилиятсизликни келтириб чиқаради ва бу ҳолат банкротликнинг асосий белгиларидан бўлиши мумкин. Ликвидлиликнинг пасайиши банк фаолиятига салбий таъсир этади. Шу сабабли бу масала банк менежерлари олдида турадиган энг муҳим вазифалардан бири.

Ривожланган хорижий давлатлар банклари амалиётида ликвидлиликни бошқаришда қўлланиладиган муҳим назарий концепцияларидан бири "Кутиладиган даромад назариясидир". Унга кўра, банкнинг ликвидлилиги мижозларнинг кутилаётган тушумлари билан таъминланган кредитга лаёқатлилиги билан боғланиши лозим. Тилга олинган назария муаллифлари кутилаётган даромадни режалаштиришни кредитларни қайтариш муддатларини белгилаш учун асос қилиб олиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Ушбу усулда активлар ва пассивларнинг айланмасини башорат қилиш ҳафталик, ўн кунлик ва ойлик даврларда амалга оширилади.


Хулоса қилиб айтганда, ликвидлиликнинг самарали бошқарилиши банк пассивларини юқори даромадли активларга оқилона жойлаштириб, етарли даражада фойда олишини мижозлар, инвесторлар, акциядорлар олдидаги мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди. Бу эса пул-кредит муносабатлари барқарорлашишига, банклар ресурс базасининг ошиши ҳисобига иқтисодиёт реал тармоқларига кўпроқ молиявий инвестициялар киритишга хизмат қилади.

Жўра МЕНГНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ СОҲИБЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. Улардан дезинфекция қилишда, йўл ёқаларидаги ўт-ўланларни йўқотишда ҳам фойдаланиш мумкин. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва 6 йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келинаяпти. Пуркагичларни маблағ ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олиш мумкин.





Қўл билан ишлатиладиган уч хил пуркагичлар 2004 йил 1 сентябрга қадар мавсумий чегирма билан сотилмоқда.


Қўшма корхона шундай пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб ҳам беради.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал – Шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.









ЗЎРАВОНЛИКЛАР ТУГАТИЛАДИ

Ироқнинг янги ҳукумати раҳбари мамлакат хавфсизлик кучлари бош вазирга ҳисобот бериб туриш кераклигини баён этди.



Бош вазир Ияд Аловий сўзига кўра, мамлакатда зўравонликларга чек қўйиш хавфсизлик кучлари устидан бошқарувни талаб этади.

"Бу режалар асосида ички хавфсизликни мувофиқлаштирувчи миллий тузилма барпо этиш ва кичик-кичик норасмий қуролли гуруҳлар фаолиятига барҳам бериш ётади", деди мамлакат бош вазири.

ҚОЧҚИНЛАР МАСАЛАСИ

20 июн куни БМТнинг Халқаро Қочқинлар кунига бағишланган махсус йиғин бўлиб ўтди.



БМТнинг қочқинлар иши бўйича мутасаддиси Жек Реддем маълумотларига кўра, ҳозир дунёда 17 млн қочқинлар бор. Ўтган йили улардан бир миллиони ўз ватанларига қайтишган.

Йиғилишда қочқинларни ўз юртларига қайтариш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича режалар ишлаб чиқилди.

ЯДРО СИНОВЛАРИ ТЎХТАТИЛАДИ

Ҳиндистон ва Покистон давлатлари ядровий қуроллар синовини тўхтатиш борасидаги шартномани имзоладилар.

Ҳаммага маълумки, бу икки давлат ядровий қуролга эга бўлиб, ўтмишда бир неча бор бир-бирига уруш тахдидини солиб турар эди. Бу ҳақдаги шартнома Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида имзоланди.

Энди шартномага кўра, иккала давлатда ҳар қандай ядровий қуроллар синови бутунлай тўхтатилади. Покистон ва Ҳиндистон хавфсизлигига тахдид туғилган пайтдагина шартнома бузилиши мумкин.

АДЖАРИЯДА САЙЛОВ

Айни дамда Грузия таркибидаги Аджария мухторияти парламентига сайловлар бўлиб ўтмоқда.



Бу Мухтор ўлкада собиқ раҳбар Аслан Абашидзе истеъфога чиққандан кейин биринчи бор сайлов ўтказилмоқда.

Парламентдаги 30 ўринга 450 номзод кўрсатилган. Охирги ҳисоб-китобга кўра, парламентдаги асосий ўринларни Грузия президенти Михаил Саакашвили тарафдорлари эгаллаши кутилмоқда.

ТАБИИЙ ОФАТ

Япониянинг кўпгина ҳудудларида кучли тўфон содир бўлмоқда.




Мамлакат аэропортларида ўндан зиёд авиарейслар бекор қилиниб, бир қанча сув ва темир йўл транспортлари ҳаракатлари тўхтатиб қўйилган.

Тўфон ҳукм сураётган жойларда кўпгина уйлар вайрон бўлган ва ўнга яқин одам ҳалок бўлган.

Метеорологларнинг фикрича, тўфон тезлиги секундига 50 метрга етган.

ЭНГ КАТТА ТЕЛЕВИЗОР

Дунёда илк бор энг йирик телевизион экран АҚШнинг казинолар шаҳри бўлмиш Лас-Вегасда барпо этилди.



Унинг катталиги тахминан бешта футбол майдонига тенг келади. Ҳозирда бундай гигант экран орқали футбол мухлислари "Евро-2004" баҳсларини томоша қилишга мушарраф бўлишмоқда.

Ушбу ихтиро конструкторларининг сўзича, бундай ойнаи жаҳонга эгалик қилишни хоҳлаганлардан буюртма қабул қилинади. Унинг нархи 17 миллион доллар, деб баҳоланган.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ таёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 22 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	700,04	1 Польша злотийси	270,60
1 Англия фунт стерлинги	1871,87	1 СДР	1489,32
1 Дания кронаси	166,25	1ООО Туркия лираси	О,68
1 БАА дирхами	277,31	1 Швейцария франки	818,50
1 АҚШ доллари	1018,54	1 ЕВРО	1234,88
1 Миср фунти	164,81	1О Жанубий Корея вони	8,81
1 Исландия кронаси	14,12	1О Япония иенаси	93,95
1 Канада доллари	747,61	1 Россия рубли	35,09
1 Хитой юани	123,06	1 Украина гривнаси	191,40
1 Малайзия рингити	268,07		

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

"ЧИНОЗДОН" ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2004 йил 28 июнь соат 11.00 да жамият биносида "Чиноздон" ОАЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилади.

Манзил: Тошкент вилояти Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони Бўстон кўчаси.

Изоҳ: Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати, умумий йиғилиш кун тартиби ва умумий йиғилиш ўтказишга доир бошқа масалалар "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2004 йил 6 апрелдаги 48-49 (6.730) рақамли сонида эълон қилинган бўлиб, ўзгартирилмай қолдирилади.

Кузатув кенгаши

ОАО "DASKO" извещает о проведении внеочередного собрания акционеров, которое состоится 21 июля 2004 года в 15.00 по адресу: г.Ташкент, ул.Фитисова, 1.

Повестка дня:
1. Переизбрание директора ОАО "DASKO";
2. Итоги аудиторской проверки.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими барча юртдошларга мурожаат этиб, хас-хазонлар, ўт-ўланларни ёқиш экологияга салбий таъсир кўрсатишини, ёнғин чиқиш хавфини кучайтиришини, шунингдек, ҳаво ҳароратининг ошишига маълум даражада сабаб бўлишини яна бир карра таъкидлаб, уларни ёқмасликка даъват этади.

1-Тошкент Давлат медицина институти томонидан 1976 йили Абдурахманова Махбуба Каххаровна номига берилган Г-II №263493 (рўйхат рақами №27553) рақамли диплом йўқолганлиги сабали бекор қилинади.

ООО "ORZU-KEMPING" объявляет об уменьшении Уставного фонда с 152000000 до 72000000 сум. Претензии принимаются в течении 2 месяца со дня опубликовании объявление. Тел.: 120-88-78

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашган Тошкент матбаа комбинати иншоотига берилган №10-170/99 реестр рақамли кадастр маълумотномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Тошкент таъмирлаш-қурилиш" ОАЖга қарашли ихтисослаштирилган монтаж "ДХО-1" тугатилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 79-04-96; 79-04-98

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактаб томонидан 1996 йили Иногамжанов Санжар Сабирович номига берилган UZJ №290977 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 256-умумтаълим ўрта мактаби томонидан 1999 йили Бехчанов Хушнудбек Куранбаевич номига берилган О"RA №572831 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МЕДЬ КАТОДНАЯ 2669,6 ▼ -103,0 | ЦИНК 1044,1 ▲ +7,9 | АММОФОС 207 ▲ +0,2 | КАРБАМИД 114,7 ▲ +3,5 | Символи цен: ▲+ Увеличилась; ▼− Снизилась; ± Не изменилась; + 0,0 На сколько сум | УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг

Кўнгилдан тўкилган иншо

(Боши 1-бетда)

Ҳукмдор рози бўлиб изини совутмай қайтибди.

- Малика аёл боши билан мардлик қилиб либосини берди. Эркак бўла туриб олиб келганим... тўғри бўлмади... – деб ўйлабди озгина фурсат ўтиб хаёллари тингач. Элчиларидан либосни қайтариб бериб юборибди.

- Мен мардларни қадрлайман. Бу ҳадяни қайтарганим эмас. Мардга мардона тан беришим белгиси, - дебди ҳукмдор.

Малика ҳам қуллуқ қилиб миннатдорчилик билдирибди.

- Бу либосларга номаҳрам кўз тушди. Мен энди кия олмайман. У зоти олийларига айтинг: сотиб пулини бева-бечоралар, муҳтожларга улашсин, - дебди.

Албатта, бу – ривоят. Унинг қаҳрамонининг қайси миллатга мансублиги айтилмаган. Аммо мен қандайдир ички сезги билан маликани ўзим севган, ўзимга замондош аёлларга ўхшатаверараман.

Яқинда мен хизмат юзасидан мамлакатимиздаги энг довруғли компаниялардан бири "Файз" Холдинг компанияси Бошқаруви раиси Мукаррамхон Азимова билан суҳбатлашган эдим. Бугун "Файз" Холдинг таркибида 22 та ўрта ва кичик бизнес субъектларидан ташқари, дунёнинг энг нуфузли мамлакатларининг таниқли компаниялари билан бирга ташкил этилган 11 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу рақамлар айтишда лабимизнинг бир чеккасидан қуддай учиб чиқади. Аммо корхоналари ташкил этиш, суяги бизнесда қотган хориж корчалонлари билан муомала-муносабат қилиш учун Мукаррамхонга қанча куч-қувват керак! У уч тилда эркин суҳбатлашади: филолог, ҳуқуқшунос, иқтисодчи – учта мутахассислик эгаси. "Файз" Холдингда турли мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган 130 хил ускуналар бор экан, асосан хоржикиси. Мукаррамахон машина бошқаради, компьютер операцияларини бемалол бажаради. Бундан ташқари, ўша 130 хил ускуналар ишлаш техникасини бир муҳандисчалик билар экан.

- Атиги 5-6 соат ухлайман. Мақсадимиз – катта. Ҳеч кимга ҳеч қачон мута бўлмаслигимиз керак, - дейди у.

Мана, бугунги Аёлнинг шахди.


"Жўрабек лабороториес ЛТД" қўшма корхонаси раҳбари Мунирахон Қориевани ҳам кўпчилик танийди.

- Ошқозон яллиғланиши, тумов ва бошқа касалликларга қарши 6 турдаги доримиз дорихоналарда сотилмоқда. Бу дорилар кучи чет эл дориларидан кам эмас, аммо нархи анча арзон, - дейди Мунирахон. – Айни кунда Олмаликда "Жўрабек"ка тегишли дори-дармон заводининг 3 та цехи доимий ишлаб турибди. 10 миллион дона флакон ва 22 миллион дона ампула ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган яна 2 та цех учун қаттиқ ҳаракат кетаяпти. Польшанинг "Польфа" компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган ципропол, фолик, мелоксикам каби дорилар экспертизадан ўтмоқда. Ватан мустақиллигигача дори олди-сотдиси билан шуғулланган Бешёғоч даҳасидаги оддий аптекангинг дунёга чиқишида бир қарашда ниҳоятда камтар, камсуқум Мунирахоннинг қанчалар безовта, беоромлиги, изланиши, кези келганда тавваккалчилиги бор. Мана, бугунги Аёлнинг дадиллиги.

Гулчеҳра Маткаримова деган ушоққина жуссали ҳуқуқшуносимиз бор. Берлинга шаҳридаги "Брага Мунисипал" ўйингоҳида кечган учрашувда даниялик футболчилар 2:0 ҳисобида Болгариядан устун келишди. Данияга уч очко келтирган голларни Томассон ва Гронкьерлар рақиб дарвозасига йўллашди. Гуруҳдаги иккинчи учрашув эса Италия ва Швеция терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Шубҳасиз, бу бахс гуруҳдан чиқадиган жамоа номини аниқлаб бериши мумкин эди. Биринчи бўлиб рақиб дарвозасини ишғол қилиш Траппаттони шогирдларига насиб этган бўлса-да, лекин италияликлар бу ҳисобни ушлаб қола олмадилар. Антонио Кассано томонидан киритилган ягона голга Швециянинг иқтидорли ҳужумчиси Златан Ибрагимович жавоб қайтара олди. 1:1 ҳисобида якунланган учрашув шведларга пешқадамликни сақлаб қолишга замин яратди. 2-тур якунида "С" гуруҳидаги жамоалар ўйин жадвалида қуйидаги кетма-кетликда жойлашишган.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Швеция	2	1	1	0	6-1	4
Дания	2	1	1	0	2-0	4
Италия	2	0	2	0	1-1	2
Болгария	2	0	0	2	0-7	0

"Ўлим гуруҳи" сифатида эътироф этилган "Д" гуруҳидаги учрашувлар якунланиши натижалар билан якунланди. Дастлаб Португалия "Бесса" ўйингоҳида Латвия ва Германия терма жамоалари куч синашган бўлса, Чехия ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги учрашув ҳам қизғин кураш остида ўтди.



Латвия ва Германия учрашувида рақибни қаттиқ қилмай ҳаракат қилиш нималарга олиб келиши "немис машинаси" мисолида яна бир бор намоён бўлди. Қарши ҳужум асосида ҳаракат қилган латвиялик футболчилар кўп вазиятларда ўзларининг тезкор ҳужумлари билан рақиб ҳимоячиларини шошириб қўйишга муваффақ бўлишди. Учрашувни 0:0 ҳисобида якунлаган Александр Старков шогирдлари бу билан яна бир кутилмаган натижани қайд этишди, дейиш мумкин.

Чехия ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги учрашув ҳақиқий драматик тарзда кечди. Тўртинчи дақиқадаёқ ҳисоб очилди. Тўп муаллифи Баума, Голландия олдинда. 18-дақиқада тўп яна Петер Чех дарвозасида, бу вазиятда Нистелрой ҳисобни 2:0 га етказди. 23-дақиқада эса Ян Коллер дастлабки жавоб тўпини Дик Адвакат шогирдлари дарвозасига киритди. Ҳисоб 2:1. Биринчи бўлимнинг қолган дақиқаларида мухлислар бошқа гол кўришмади. Иккинчи бўлим эса учрашув чехлар устунлигида ўтди. 71, 88-дақиқаларда Барош ва Шмицер томонидан киритилган голлар Чехияни муддатдан олдин чорак финалга олиб чиқди. 2-турдан сўнг гуруҳ жадвали қуйидагича кўриниш олди:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Чехия	2	2	0	0	5-3	6
Германия	2	0	2	0	1-1	2
Голландия	2	0	1	1	3-4	1
Латвия	2	0	1	1	1-2	1

"А" гуруҳидаги сўнгги тур учрашувлари эса Португалия ва Греция терма жамоалари чорак финалда иштирок этишини аниқлаб берди. Испания устидан 1:0 ҳисобида устун келган мезбонлар гурухда биринчи ўринни қўлга киритишди. Чорак финал йўлланмасини португалларга туҳфа этган ягона гол муаллифи Нуну Гомеш бўлди.

Россия эса Греция устидан 2:1 ҳисобида устун келган бўлса-да, мусобақани тарк этиши аввалдан маълум эди. Бу учрашув чемпионатдаги энг тез гол киритилган баҳс сифатида ҳозирча чемпионат тарихида қайд этилди. Россия терма жамоаси ўйинчиси Кириченко 2-дақиқадаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлди. 17-дақиқада эса Буликин ўзининг "Евро – 2004"даги биринчи ва охирги голини Никополидис дарвозасига йўллади. Ризас томонидан 43-дақиқада Малафеев дарвозасига киритилган ягона жавоб тўпи Отто Рехагел шогирдлари учун чорак финал эшикларини очиб берди.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Португалия	3	2	0	1	4-2	6
Греция	3	1	1	1	4-4	4
Испания	3	1	1	1	2-2	4
Россия	3	1	0	2	3-4	3

"С" гуруҳидаги учрашувларни Болгария ва Дания терма жамоалари очиб беришди. Брага шаҳридаги "Брага Мунисипал" ўйингоҳида кечган учрашувда Болгария 2:0 ҳисобида Данияга мағлубиятга учради. Ягона голни Мартин Петров киритди. Ушбу ғалабадан сўнг Болгария ва Дания терма жамоалари 3 тадан очко тўплашди. Аммо Данияга биринчи ўринни олиб беришга Томассон ва Гронкьерларнинг ҳар бири киритган биттадан гол ёрдам берди. Болгария эса учинчи ўринни эгаллаб, Евро-2004 мусобақаларини якунлади.

Ўз вақтида чиройли ўйинлари билан мухлислари кўнглини шод этиб, мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бирига айланган мазкур жамоанинг кейинги пайтларда омади юришмаяпти. 12-турда самарқандликлар ўз майдонларида Тошкентнинг "Трактор" жамоасини қабул қилишди.

Учрашув шиддатли ҳужумларга бой кечди. Мухлислар гоҳ у, гоҳ бу дарвоза олдида содир этилаётган хавфли вазиятларнинг гувоҳига айланишди. Қизиқарли ўтган бахс 3:4 ҳисобида тошкентликларнинг ғалабаси билан якунланди. Дарвозаларга тўпларни самарқандликлардан Абдураҳмонов, Пўлатов (2 та), "Трактор" футболчиларидан эса Мўминжонов (2 та), Соломин ва Ўрмоновлар йўллашди. "Локомотив" билан ўз майдонида куч синашган "Андижон" футболчилари ҳам йирик ҳисобда (1:5) лига дебютантига имкониятни бой берди. Дарвозабонларни "Андижон"дан Юсупов (пенальти), "Локомотив"дан Акбаров, Усмонхўжаев, Идиатуллин (2 та), Холбоевлар хато қилишга мажбур эта олишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Қизилқум" – "Насаф" 0:2, "Сўғдиёна" – "Бухоро" 3:2, "Пахтакор" – "Металлург" 3:1, "Нефтчи" – "Сурхон" 2:0.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

МАҒЛУБИЯТ ҲАМ ГРЕКЛАРГА АСҚОТДИ

Португалияда ўтаётган футбол бўйича Европа чемпионати "В", "С", "Д" гуруҳларида 2-тур учрашувлари бўлиб ўтган бўлса, "А" гуруҳида 3-тур учрашувлари якунланиб, чорак финалчилар аниқланди.

"В" гуруҳидан жой олган жамоаларнинг дастлабки учрашуви Англия ва Швейцария терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Бу баҳсни кутилганидек инглизлар устунлик билан бошлади. Ўз олдига кейинги босқич масаласини қўйган Свен Ёран Эриксон шогирдлари



швейцарияликлар устидан йирик – 3:0 ҳисобида устун келиб, чемпионатдаги дастлабки уч очкони қўлга киритишди. Инглизларга ғалаба келтирган тўпларни Уайн Руни (2 та) ва Стевен Жерардлар киритишди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашув эса Франция ва Хорватия терма жамоалари ўртасида кечди. Бу ўйинда гарчи французлар фаворит сифатида эътироф этилган бўлса-да, лекин хорватиялик футболчилар қаршилигини синдириш уларга осон бўлмади. Гарчи Хорватия терма жамоаси футболчилари биринчи бўлиб ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган бўлсалар-да, 52-дақиқага келиб улар ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Дастлаб Тудор ўз дарвозасини ишғол қилиб, жамоадошларини қийин аҳволга солиб қўйди. 47-дақиқада эса французлик ҳимоячилар томонидан жарима майдони ичида ўйин қоидаси бузилиши учрашувни бошқарган даниялик ҳакам Мильтон Нильсен томонидан 11 метрлик жарима тўпини белгиланишига сабаб бўлди. Жарима тўпини амалга оширган Милан Рапаич Фабьен Бартезнинг ожиз жойини топа олди. Ҳисобни тенглаштирган хорватлар яна ҳужумга зўр беришди ва 52-дақиқада Франциянинг "Монако" клуби ҳужумчиси Дадо Пршо ҳисобни 2:1 етказди. Ўтказиб юборилган голдан сўнг ҳар икки жамоа ҳам майдонда тенг курашлар остида ҳаракат қила бошлади. Лекин 65-дақиқада Хорватия терма жамоаси ҳимоячилари томонидан йўл қўйилган қўпол хато Бутина кўриқлаётган дарвозага тўп кириши билан якунланди. Ҳисобни тенглаштирувчи голни Франция ҳужумчиси Дэвид Трезеге киритди – 2:2. Бу ҳисоб учрашув якунигача ўзгармай қолди.

2-тур учрашувларидан сўнг "В" гуруҳи ўйин жадвали қуйидагича кўриниш олди:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Франция	2	1	1	0	4-3	4
Англия	2	1	0	1	4-2	3
Хорватия	2	0	2	0	2-2	2
Швейцария	2	0	1	1	0-3	1

"С" гуруҳидаги учрашувларни Болгария ва Дания терма жамоалари очиб беришди. Брага шаҳридаги "Брага Мунисипал" ўйингоҳида кечган учрашувда даниялик футболчилар 2:0 ҳисобида Болгарияда устун келишди. Данияга уч очко келтирган голларни Томассон ва Гронкьерлар рақиб дарвозасига йўллашди. Гуруҳдаги иккинчи учрашув эса Италия ва Швеция терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Шубҳасиз, бу бахс гуруҳдан чиқадиган жамоа номини аниқлаб бериши мумкин эди. Биринчи бўлиб рақиб дарвозасини ишғол қилиш Траппаттони шогирдларига насиб этган бўлса-да, лекин италияликлар бу ҳисобни ушлаб қола олмадилар. Антонио Кассано томонидан киритилган ягона голга Швециянинг иқтидорли ҳужумчиси Златан Ибрагимович жавоб қайтара олди. 1:1 ҳисобида якунланган учрашув шведларга пешқадамликни сақлаб қолишга замин яратди. 2-тур якунида "С" гуруҳидаги жамоалар ўйин жадвалида қуйидаги кетма-кетликда жойлашишган.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Швеция	2	1	1	0	6-1	4
Дания	2	1	1	0	2-0	4
Италия	2	0	2	0	1-1	2
Болгария	2	0	0	2	0-7	0

"Ўлим гуруҳи" сифатида эътироф этилган "Д" гуруҳидаги учрашувлар якунланиши натижалар билан якунланди. Дастлаб Португалия "Бесса" ўйингоҳида Латвия ва Германия терма жамоалари куч синашган бўлса, Чехия ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги учрашув ҳам қизғин кураш остида ўтди.

Латвия ва Германия учрашувида рақибни қаттиқ қилмай ҳаракат қилиш нималарга олиб келиши "немис машинаси" мисолида яна бир бор намоён бўлди. Қарши ҳужум асосида ҳаракат қилган латвиялик футболчилар кўп вазиятларда ўзларининг тезкор ҳужумлари билан рақиб ҳимоячиларини шошириб қўйишга муваффақ бўлишди. Учрашувни 0:0 ҳисобида якунлаган Александр Старков шогирдлари бу билан яна бир кутилмаган натижани қайд этишди, дейиш мумкин.

Чехия ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги учрашув ҳақиқий драматик тарзда кечди. Тўртинчи дақиқадаёқ ҳисоб очилди. Тўп муаллифи Баума, Голландия олдинда. 18-дақиқада тўп яна Петер Чех дарвозасида, бу вазиятда Нистелрой ҳисобни 2:0 га етказди. 23-дақиқада эса Ян Коллер дастлабки жавоб тўпини Дик Адвакат шогирдлари дарвозасига киритди. Ҳисоб 2:1. Биринчи бўлимнинг қолган дақиқаларида мухлислар бошқа гол кўришмади. Иккинчи бўлим эса учрашув чехлар устунлигида ўтди. 71, 88-дақиқаларда Барош ва Шмицер томонидан киритилган голлар Чехияни муддатдан олдин чорак финалга олиб чиқди. 2-турдан сўнг гуруҳ жадвали қуйидагича кўриниш олди:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Чехия	2	2	0	0	5-3	6
Германия	2	0	2	0	1-1	2
Голландия	2	0	1	1	3-4	1
Латвия	2	0	1	1	1-2	1

"А" гуруҳидаги сўнгги тур учрашувлари эса Португалия ва Греция терма жамоалари чорак финалда иштирок этишини аниқлаб берди. Испания устидан 1:0 ҳисобида устун келган мезбонлар гурухда биринчи ўринни қўлга киритишди. Чорак финал йўлланмасини португалларга туҳфа этган ягона гол муаллифи Нуну Гомеш бўлди.

Россия эса Греция устидан 2:1 ҳисобида устун келган бўлса-да, мусобақани тарк этиши аввалдан маълум эди. Бу учрашув чемпионатдаги энг тез гол киритилган баҳс сифатида ҳозирча чемпионат тарихида қайд этилди. Россия терма жамоаси ўйинчиси Кириченко 2-дақиқадаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлди. 17-дақиқада эса Буликин ўзининг "Евро – 2004"даги биринчи ва охирги голини Никополидис дарвозасига йўллади. Ризас томонидан 43-дақиқада Малафеев дарвозасига киритилган ягона жавоб тўпи Отто Рехагел шогирдлари учун чорак финал эшикларини очиб берди:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Португалия	3	2	0	1	4-2	6
Греция	3	1	1	1	4-4	4
Испания	3	1	1	1	2-2	4
Россия	3	1	0	2	3-4	3

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Нечта суягингиз бор?

Одам танасидаги суяклар миқдори, 32 та тишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 214 та экан.



Уларнинг оғирлиги 17 килограмм. Янги туғилган чақалоқда 300 та суяк бўлиб, унинг кўп қисми ўсиш жараёнида бир-бири билан жипслашиб, бир суякка айланади.

Кўз қанча масофани кўради?



Инсон кўзининг оғирлиги еттисаккиз граммни ташкил этади.

Кўзимиз 600 метр масофадаги нарсаларни аниқ кўради. Бундан ташқари, кўзнинг иш миқдори тунда фаоллашади ва 27 километрни кўрамиз.

Юрак

Юрак – 300 граммдан иборат, яъни бир парча эт. У 15-50 ёшли кишида минутига 70 марта уради.



Юрак ҳажми унинг иш ҳаракатига қараб ўзгариб туради. Масалан, велосипед спорти билан шуғулланадиган одамнинг юрак ҳажми оддий спортчи билан таққосланганда икки ҳисса катта, яъни 750 кв.см ўрнига 1250 кв.см бўлиши мумкин. Умуман юрак соатига 360 метр қонни ҳайдайди. Ҳаётимиз давомида 224 миллион метр қонни ишлатади.

Ким қанча нафас чиқазади?



Ёшгина чақалоқ минутига 35 марта нафас олиб, нафас чиқаради.

Ўсмир йигит 20 марта, катталар эса 15 марта. Ҳар бир одам соатига 1000 марта, яъни бир кеча кундузда 24 минг ёки бир йилда 9 миллион марта нафас чиқаради.

68 йил туз татимаган одам

Ҳиндистонлик дўхтирлар 76 ёшли Прапад Джани исмли кишини синчиклаб текширгач, унинг кўп йиллардан буён ҳеч нарса емаслигига ҳайрон қолишди.

У билан суҳбатлашган дўхтирлар чолнинг бир умр Амбаджи ибодатхонаси ёнидаги ғорда яшаб келаётганидан хабардор бўлишди. Гап шундаки, қария ғорга 8 ёшида тасодифан кириб қолган. У ғорда Амба деган худо билан учрашибди. Гўёки Яратган эгам шу пайтда ёш болага ҳеч кимда йўқ айрича қобилият ато этган. Шундан буён ҳеч нима емай-ичмай яшаб келяпти. Чолнинг айтишича, у йиллар давомида фақат ғорга тушган томчидан қувват олиб келаркан.



Шунга қарамай, ўн кунлик текшириш хулосаси Джанининг соғлиғи ўта яхши эканлигини кўрсатди. Ўзларига ишонмаган дўхтирлар гуруҳи энди Джанини тағин бир-икки йил текширишмоқчи. Бироқ, 75 ёшли қария уларга розилик берармикан? Чунки у яна ўз ғорига қайтмоқчи. Сабаби, унда ўзи сиғинадиган Амба худоси бор.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ



Она юрт манзаралари

Ҳ.АТОЕВ сурат-лавҳалари.

Гумбаз остидаги "хазина"

(Боши 1-бетда)

Хом ғиштдан қилинган гумбаз деворларини сомон лой билан сувайди. Ва... 1936 йили бир кечадаёқ Тўрткўл томонларга қочади. 1943 йилда вафот қилган Бобожон охун ўлими олдидан ҳам китоб ҳақида бировга бир оғиз гап очмаган. Оз эмас, 100 та китобни ишончли жойга яшириб, бу сирни ўзи билан қабрга олиб кетган.

– 2003 йил сентябр ойида катта бобомиз Машариф охуннинг қабрини янгидан қуриш мақсадида очганимизда мўъжизага дуч келгандек бўлдик, - дейди унинг чевараси Абдулла Бобожонов. Гумбаз ости дид билан териб чиқилган, муқовалари ва саҳифаларига безаклар берилган китобларга лиқ тўла эди. Уларни уйга келтирдик. Алоқадор идораларга хабар берилди, шарқшунос олимларимиз китоблар ҳақидаги маълумотларни ўрганишга киришдилар.

Машариф охуннинг чевараси Абдулла Бобожонов илтимосига биноан Урганч Давлат университетидан шарқшунос олим Абдулла Аҳмедов, Хоразм Маъмун академияси етакчи мутахассиси, тарих фанлари номзоди Гулором Машариповалар унинг хонадонида бўлишиб, ўша китобларни биринчи бўлиб ўқишга мушарраф бўлдилар. Абдулла Аҳмедов ва Гулором Машариповаларнинг таъкидлашларича, китоблар орасида Навоийнинг Бобожон Маҳмуд томонидан кўчирилиб, Муҳаммад Раҳимхон-Феруз буйруғи билан Хива тошбосмасида босилган "Хамса"сининг тўла қисми, Бурҳониддин ал-Марғиноний томонидан ёзилган "Ҳидоя", Ибн Ҳожибнинг "Қофия"- араб тили грамматикасининг 1,2 - қисмлари ва унга Абдураҳмон Жомийнинг шарҳи, Мирсаид шариф томонидан ҳижрий 1214 йилда кўчирилган "Усулал-фиқҳ" (Мусулмон қонуншунослиги асослари) яъни XVII-XIX асрдаги қонунлар, муқаддас китоб – "Қуръон" тафсирининг арабийда Қозон босмахонасида тайёрланган етти жилди, форс тилида ҳаттотлар томонидан кўчирилган "Муҳаммад пай-ғамбарнинг тарихи", шунингдек, 1895 йилда Петербург тош босмасида араб тилида нашрдан чиқарилган "Шариат қонун-қоидалари"нинг икки китоби, хоразмлик шоир Юсуф Саккокий асарлари каби бадиий китоблар ва Сирожиддин Саккокийнинг "Илмлар калити"дек нодир китоблар мавжуд экан.

Олимларимиз томонидан қабрдан топилган "хазина" – боболаримиз буюк тафаккурлари ила йўғрилган асарлари ўрганилмоқда. Балки улардан фанга маълум бўлмаганлари қанча? Бунга фақат мўйсафид мозий шоҳид.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирликнинг Кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи Ҳакимжон Ҳамидовга падари бузруквори

Иномжон ота ҲАМИДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирликнинг собиқ ходими

Расулжон ХОЛМАТЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси жамоаси Бош бошқарма бўлим бошлиғи М.Мирпўлатовга ўғли

ШАВКАТнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази жамоаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи Ҳакимжон Ҳамидовга падари бузруквори

Иномжон ота ҲАМИДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Газетамизнинг навбатдаги сони 25 июн, жума куни чиқади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Аитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб-133-95-17. котибият -136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61;Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-54-44 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.АЛИҚУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-720, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -10440

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3456